

ОЛМАНИ ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ

ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

Ташбоев Шухратбек Турсунович
Хўжаев Хамидулло Шахобиддинович
Ўринов Дилмуроджон Мирзамахмудович
Академик М.Мирзаев номидаги
боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот институти
Андижон илмий тажриба станцияси илмий ходимлари

Анотация. Мазкур мақолада Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон вилояти Избоскан тумани жойлашган Андижон илмий тажриба станцияси иқлим шароитларида янги олманнинг кечки хорижий навларидан “Моди”, “Либерии”, ҳамда “Жеромин” “Ред пауло”, “Старткинг делишест” навлари озикланиш майдони 4x2.5 метрга экилган дарахтларнинг меваларининг ранги, хосилдорлиги, бирдона мева вазни, мева хажми, товарлиги, ташки қавати, мева бандининг узунлиги, тош хужайраларининг мавжудлиги, уруғ камераси, уруғар сони каби бир қатор белгилари бўйича маълумотлар келтирилган.

Annotation. In this article, in the climatic conditions of Andijan Scientific Experimental Station of the Horticulture, Viticulture and Winery Research Institute named after Akademik M.Mirzaev, Izboskan District, Andijan Region, “Modiy”, “Liberia”, “Jeromin” as well “Red paulo” “Startking deliciousest” varieties from the late foreign varieties of New Germany were planted in a feeding area of 4x2.5 meters information on a number of characteristics of trees such as fruit color, productivity, weight of single fruit, fruit size, quality, outer layer, length of fruit band, presence of stone cells, seed chamber, number of seeds are presented.

Калит сўзлар. “Модий”, “Либерии”, “Жеромин” “Ред пауло”, “Старткинг делишест” селекция, якка танлов, абиотик

Ключевые слова. «Моди», «Либерии», «Джером», «Ред Пауло», отбор «Startking Delicious», боковой отбор, абиотический

Keywords. "Modi", "Liberi", "Jerome" "Red Paulo", "Startking Delicious" selection, side selection, abiotic

Кириш. Ҳар йили дунёда ўртача 43 миллион тонна олма етиштирилади. Олманинг дунёдаги етакчи экспортчилари Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқидир. Олма етиштириш бўйича дунёда етакчи Хитой ҳисобланади. Олмадан бир гектаридан энг юқори ҳосил олаётган давлатлар АҚШ 37 тонна Туркия ва Полша 28 тонна Хитой ҳамда Эрон 22 тоннадан Колган давлатлар 10 тоннадан зиёд олма етиштиришмоқдалар.

Етиштирилаётган олмалар маҳсулотлари дунё аҳолисини атига 25 % га таминлашга етиши айни ҳақиқат.

Саноат ва дунё аҳолини сифатли олма мевалари билан таминлашда янги олма навларни ўрганиш уларни интодукция қилиш улар асосида янги навларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш ҳозирги куннинг долзарб муамоларидан биридир

Анашундай муамоларга амалий ечим топишни мақсад қилган ҳолда Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон вилояти Избоскан тумани жойлашган Андижон илмий тажриба станцияси илмий ходимлари томонидан олманинг яни навларни селекцияда бошланғич манба сифатида фойдаланиш мақсадида меваларни ўргандик.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар Бутун Россия мева экинлар селекцияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” (Орёл 1999); Биокимёвий ва физиологик тадқиқотлар И.В.Мичурин номидаги Россия боғдорчилик илмий-тадқиқот институтининг “Мевали экинлар навларини синаш услуби ва дастури”га (1973) мувофиқ ўтказилди.

Тажрибалар учун Олманинг хорижий навларидан “Модий”, “Либерий”, ҳамда “Жеромин” “Ред пауло”, “Старткинг делишест” навлари озикланиш майдони 4x2.5 метрга экилган дарахтларнинг меваларининг ранги ҳосилдорлиги бирдона мева вазни мева ҳажми товарлиги ташки қавати банди узунлиги тош

хужайраларининг мавжудлиги Уруғ камераси Уруғар сони белгилари бўйича ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Ўрганилаётган олманинг хорижий навларида меваларининг пишиш давомийлиги бошқа олма навларига нисбатан эрта эрта

бошланиб кизил рангга кириши уруғларининг етилиш бошқа навларга нисбатан жадал кечди.

Олма навларининг помологик белгилари.

Номи	Бирдона мева вазни гр	Хосилдо рлиги тонн/га	Мева хажми	Товарли тўр о%	Ташки қавати	Ранги	Банди узунлиги	Granul- yatsiyasi	Уруғ камераси	Уруғар соми
Либерти	129.5	10800	Йирик	88.2	Силлик	қизил	Ўртача	Мавжуд	5	8.4
Моди	175.3	17800	Йирик	76.4	Силлик	қизил	Ўртача	Мавжуд	5	6.4
Жеромин	168.1	13500	Йирик	79.8	Силлик	қизил	Ўртача	Мавжуд	5	7.2
Пауларед	127.4	15200	Йирик	87.4	Силлик	қизил	Ўртача	Мавжуд	5	8.6
Старкинг делишест	181.2	18400	Йирик	84.7	Силлик	қизил	Ўртача	Мавжуд	5	7.5

Меванинг учки қисми бўлақларга бўлинмаган. Навнинг хосилдорлиги юқори, товарбоплиги 88.2 % ни ташкил этади. Бирдона мевада 8 тада 9 тагача уруғ етилади. Либерти навининг хосилдорлигини ошириш учун Голден нави чанглатувчи сифатида экиш тавсия этилади.

Олманинг “Моди” навининг мевалари йирик бирдона мевасининг вазини 175.3 гр мева ичининг ранги сариқ рангда сувли ширин бу хусусияти галашнига навидан ўтганлиги яққол билиниб турибди меванинг ташқи юзасидаги ранги қизил ёрқин тош хужайраларининг яқол кўриниши меванинг учки қисми бўлақларга бўлинмаганлиги “Либерти” навидан ўтганлиги кўриш мумкин Навнинг хосилдорлиги юқори таворбоплиги 79.8 % ни ташкил этади. Бу нав узинини чанглай олади. Бирдона мевада 6 тада 7 тагача баъзан 8 тагача уруғ етилади.

Олманинг “Жеромин” навининг АҚШ селекциясига мансуб Эрли ред ван навининг клони ҳисобланди мевалари йирик мева ичининг ранги сариқ рангда сувли ширин меванинг ташқи юзасида ғуборлар мавжуд ранги тўқ қизил ёрқин

тош хужайраларининг якол кўринади меванинг учки қисми бўлақларга бўлинган Навнинг хосилдорлиги юқори товарбоплиги 76.4 % ни ташкил этади. Тоғли ва адирли худудларда яхши қизаради паст текислик худудларда кизил ранг олиши сустроқ кечади. Навининг хосилдорлигини ошириш учун Голден Делишест, Гранний Смит, ва Гала навлари чанглатувчи сифатида экиш тавсия

Олманинг “Паулоред” навининг АҚШ селекциясига мансуб якка танлов йўл билан танлаб олинган нав хисобланди мевалари йирик мева ичининг ранги сариқ рангда сувли ширин меванинг ташқи юзасидаги ранги тўқ қизил ёрқин тош хужайраларининг якол кўринади меванинг учки қисми бўлақларга бўлинган Навнинг хосилдорлиги юқори товарбоплиги 87.4 % ни ташкил этади. Тоғли ва адирли, паст текислик худудларда кизил ранг олиши яхши кечади. Бирдона мевада 7 тада 8 тагача уруғ етилади.

Олманинг “Старткинг делишест” навининг АҚШ селекциясига мансуб “Ред делишест” навининг олинган клон нави хисобланди мевалари йирик мева ичининг ранги сариқ рангда сувли ширин меванинг ташқи юзасидаги ранги тўқ қизил ёрқин тош хужайраларининг яқол кўриниши меванинг учки қисми бўлақларга бўлинган Навнинг хосилдорлиги юқори товарбоплиги 84.7 % ни ташкил этади. Тоғли ва адирли худудларда яхши қизаради паст текислик худудларда кизил ранг олиши сустроқ кечади. Навининг хосилдорлигини ошириш учун Голден Делишест, Гранний Смит, ва Гала навлари чанглатувчи сифатида экиш тавсия этилади. Бирдона мевада 7 тада 8 тагача уруғ етилади.

Хулоса. Олманинг янги навларида олиб борилган хўжалиқ ва биологик кузатувлардан олинган натижалага асослани куйдаг хулосаларга эришдик.

Либерти олма нави Андижон вилояти шароитида яхши қизаради меваси узок сақланганда таббий холатини яхши сақлайди. Нав абиотик (иссиқга қурғоқчиликга) омилларга чидамлиги аникланди.

Олманинг Модии нави Андижон вилояти шароитларга мослашиб табиатнинг абиотик (иссиқга қурғоқчиликга) омилларга бардошли хусусиятини намаён бўлди. навнинг яна бир хусусияти қизил рангга тўла кириб зараркунандалар кам зарарланиши билан юқори хосил берди.

Олманинг “Старткинг делишест” нави юқори хосилдорлиги мевалари кам тўқлувчан адрли ва паст текислик худудларда ҳам бир хилда қизил рангга кирди сақланувчанлиги юқори узоқ вақт сақланганда табиийлигини йўқотмади.

Ўрганилган олманинг барча навларнинг Андижон вилоятига иқлимлаштириш. кўчатларини кўпатириш бўйича тажрибалар давом этирилмоқда.

Фойдаланиган адабиётлар:

1. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. “Ўзбекистон мевачилиги” Т: Ўқтувчи 1981
2. М.М.Мирзаев, М.К. Собиров “Боғдорчилик”Т. Меҳнат 1987
3. Эргашев И Мева уа резавор мева экинлари селекцияси ва навшунослигидан амалий машғулотлар
4. А.А.Қосимов Ш.Т.Ташбоев Д. Ш. Нажмудинова “Андижон вилояти худудларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш” бўйича тавсия (2022 й)